30 (360)
2003 йил 30 июл
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

XII йил

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 211-кун

2
- Жойсиз қолган Жаул Қосим маҳалласи
- Футбол, футбол, футбол...

3
- Ошиқ, маъшуқа ва гулхайри
- Хуррам отанинг кўргуликлари

4
- Тиниб—тинчимаган Асқаров...
- Гулбаргдан тайёрланган қиём.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 29 июль

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.

2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

3. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.

4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

7. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

8. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

10. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

11. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

12. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

13. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

БУЮК ИХТИРОДИР БИЛСАНГ, МАҲАЛЛА...

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қуёш ботиб борар, у - заррин ҳалда...
Аввал, оқшом тушар, шом - сўнги галда.
Чироқ ёнар айвон, ошхона, залда
Демак, тун "қамалиш" бошлар амалда
Ана шу ажойиб, шуқуҳли палла -
Ўйладим: недир у, нима... маҳалла?

Чап ёқда - чап қўшним, ўнг ёқда ўнги
Ундан сал нарироқ, ҳу ўша кунги -
Катта тўй қилганди - уйланди сўнги -
Кенжатой боласи... О! Базми тунги...
Балки, ўша чоғда айтилган ялла
Жавобдир савола: "Недир маҳалла?"

Менинг ҳовлим - унинг ўртасида, боқ:
Маҳаллам, аслида - кўркам бир чорвоқ.
Улкан узумзор у, ҳар уйда - ёнғоқ,
Бодом, хурмо ўсар - серунум тупроқ.
Даламизда эса - шолию ғалла
Ишқилиб, ёмонмас, бизнинг маҳалла...

Унда йўқ ўғирлик, ур-йиқ-тўполон
Ғийбат ҳам қилмаслар: "у пистон-фалон"
Ҳимоя остида мол-мулк, тирик жон
"Инсон!" Барча учун биргина унвон...
Ҳаммамизга паноҳ, бузилмас қалъа -
Адолат маскани, Обод маҳалла.

Бошқа жойда кўрмас бу ҳолни башар
Ҳамма худди ота-инидек яшар!
Кимда сал муаммо - шу он қарашар
Айт, яна қайда бор, тушунча "Ҳашар"?
Демаслар, ҳеч қачон: "Ўзинг амалла!"
Унда, нима керак... қўшни, маҳалла?

Барчанинг: ёш-қари - ўйлар ўйи бир
Сайил, байрам, маъракаси, тўйи - бир.
Ишонмассиз, ҳатто ранги-рўйи бир!
Айтган қўшиқлари, чалган куйи бир
Ва, бир оналари айтгани алла
Гўё, бир оила, чунки - маҳалла...

Кўп қаватли уйлар, кўча - маҳалла!
Юртим бўйлаб, эҳ-ҳе, неча маҳалла!
Пайдо бўлган эмас кеча, маҳалла...
Турар дунё тургунича маҳалла!
Сўрасалар: не у деб, айтгин баралла:
- Буюк ихтиродир, билсанг, маҳалла!

Иброҳим БЕК

БИЗ ЯШАЁТГАН ОЛАМ

Тошкент /ЎзА мухбири Н.Усмонова/. «Маҳалла - мен яшаётган олам» танловига ижодий ишлар келиб тушиши давом этмоқда. Бу халқаро фотосуратлар танлови Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Тошкент фотография уйи ва Ўзтелерадиокомпания томонидан ташкил этилган.

- Халқаро фотосуратлар танлови замонавий дунёда одамларнинг кундалик ҳаёти кечадиган кичик маданий олам қурилиши ҳақида ахборот алмашишга қаратилган, - дейди Тошкент фотография уйи директори Шаҳноза Хўжаева. - 2003 йилнинг Ўзбекистонда Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши мамлакатимиз раҳбарияти миллий маданиятга қаратаётган эътибор, одамлар ҳаётини барқарор ва самарали қиладиган ҳамма нарсани сақлаб қолишга интилиш белгисидир.

Танлов «Обод маҳалла йили» дастурининг ажралмас қисмига айланиб, тинчлик ва халқ дипломатияси элчиси вазифасини бажаради. У Тошкентга юборилган фотосуратларда дунёнинг турли мамлакатларида, қўшни уйда, қўшни кўчада яшаётган, турмуш қийинчиликларини биргаликда ечаётган одамлар ҳаётини кўриш имконини беради. Шунингдек, у Ўзбекистоннинг оддий фуқаролари ҳаёт тарзини жаҳон ҳамжамиятига намойиш этиш имконини яратади. Улар доим ёрдамга тайёр, битмас некбинлик туйғусига тўла ва оддий инсоний қувончларга қодир одамлардир. Бундай инсонларни маҳалла тарбиялайди.

Таъкидлаш жоизки, фототанловга ҳамма фотомухбирлар, фоторассомлар ва фотоҳаваскорлар таклиф этилади. Ҳар бир муаллифдан 5 тадан кўп бўлмаган асар қабул қилинади. Танловда иштирок этиш шартларига кўра, тақдим этилган энг яхши асар Гран-при дипломи ва эсдалик совға билан тақдирланади. Танловнинг 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган бошқа ғолибларига тегишли дипломлар ва совринлар топширилади. Махсус совринлар билан тақдирлаш ҳам режалаштирилган. Танлов натижаларига кўра пойтахтда «Маҳалла - мен яшаётган олам» деб аталган халқаро фотокўргазма ташкил этилади.

МАҲАЛЛА СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Тошкент шаҳри

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» КУНДАЛИГИ

ПОЙТАХТ ҒОЛИБИ - ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан бир неча йилдан бери анъанавий тарзда ташкиллаштирилаётган «Футболимиз келажаги» маҳалла ёшлари ўртасидаги футбол турнири йилдан-йилга оммалашиб, нуфузи ортиб бормоқда.

Турнирнинг бу йилги мусобақаларида одатдагидек турнирнинг бу йилги мусобақалари Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланмоқда. Унда республикамиз бўйлаб 2 миллиондан ортиқ болалар иштирок этмоқда. Ёшларимизнинг жисмонан бақувват, руҳан баркамол бўлишларида бундай мусобақаларнинг таъсири катта эканлигига турнир ўтказилаётган йиллар давомида ишонч ҳосил қилдик.

Айни кунларда пойтахтда «Футболимиз келажаги»нинг Тошкент шаҳри босқичи мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

2-саҳифада

Чилонзор туманидаги Гулистон маҳалласи оқсоқоли Баҳодир ака Эшонхонов ўз маҳалла футбол жамоасининг ғалабасидан беҳад хурсанд.

МУНОСАБАТ: "ЧИН ЎЗБЕК ИШИ". «Халқ сўзи», 2003 йил 22 июль

БУ ГАП АЙНИ ҲАҚИҚАТДИР!

«Халқ сўзи» газетасининг 2003 йил 22 июль сонида чоп этилган «Чин ўзбек иши» мақоласи нафақат ҳуқуқий йўналишдаги, балки жамиятдаги жараёнларни, сиёсий силсилаларни таҳлил қилувчи, аниқ фактларга, ўзимиз бошимиздан кечирган аниқ воқеаларга асосланган нуқтаи назар сифатида кўпчилик ватандошларимизнинг юрагидаги гапларини акс эттирибди. Шу мақолани ўқиган, юртимиз маҳаллалари аҳлининг бу борадаги муносабатлари аниқ: фақат Юртимиз Мустақиллиги бизни бундай ҳолатдан халос этди.

Мустақилликка эришгач, биз узоқ муддат ҳушсиз ётгач ёки уйқудан уйғонгач, энди атрофга ҳайрат ва ҳадик билан қараётган, қадамимни қаерга боссам дея карахт бўлаётган киши ҳолатига тушгандик. Карахтликдан халос бўлиш баробарида шўролар тузуми бошимизга солган кулфатлар кўлами биз ўйлагандан анча кенг эканини, бизга етказилган моддий ва маънавий талофатлар жуда катта эканини англай бошладик. Басир кўзларимиз ёруғликни, нурни кўришга кўника бошлади. Ўша пайтда «Ўзбек иши»ни бизга тамғадек босиб бетимизга қоракуя суртмоқчи бўлдилар. Бугун биз яқин ўтмишдаги бу воқеаларни «Гдлян-Ивановларнинг ўзбек халқига нисбатан жиноят иши» деб юритишга ҳақлимиз, чунки уларнинг жиноятлари фош этилди. Уларнинг ваҳшийликларидан жабр кўрган ўнлаб ватандошларимиз оқландилар. Лекин неча-неча инсонларнинг ҳаёти издан чиқди, тақдири синди...

Шукрки, у кунлар ортда қолди. Халқимизда «Ўтган кунингни унутма, ҳўл чориғингни қуритма» деган нақл бор. Деярли кишанбанд этилганлардек кечирган ҳаётимизни унутмай, айни кундаги озодлигимизнинг қадрига етишимиз, уни авайлашимиз керак. Ҳур яшаш учун, уни сақлай билиш, лойиқ бўла билиш даркор. Бу янги гап эмасдир, лекин айни ҳақиқат!

Эътибор берсак, бугун ўз ҳуқуқини талаб қилиб ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилувчилар кўпайган. Ахир шўролар даврида шундай эмасди-ку? Ахир у пайтларда фуқароларнинг ҳуқуқлари топталган ҳолатлар кўпроқ эдику. Бу ҳолат бир нарсани - фуқароларимизнинг эркинлигини ҳис этаётганидан далолат беради. Биз ортиқча шикоятбозликдан сақланган ҳолда зарурат туғилганда ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қила олишни, мурожаат қилишни ҳам ўрганмоқдамиз. Бу шубҳасиз, Юртбошимиз кўзлаганидек, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг энг муҳим омилидир.

"MAHALLA" таҳририяти.

Обуна-2003

Mahalla

-Яна нима дейди?
-"Mahalla"га йилнинг сўнгги ойи учун обуна бўлиш мумкин, деяпти.

ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Х.Салимов/. Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирилган ёш аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

ВАТАНИГА СОДИҚ ЙИГИТЛАР

Ҳарбий Қасамёд жангчининг она-Ватанга, халқи ва Президентига берган онтидир. Ҳар бир эр йигит балоғат ёшига етиб, ўз йигитлик ва конституцион бурчини ўташ учун армия сафига жўнар экан, эл-юрт, ота-онаси, дўст-биродарлари олдида аскарлик қасамини қабул қилади.

Бир ой давомида ҳарбий-ўқув машғулотларини ўтаган, ҳарбийлик ҳавосини олган йигитлар сўнгги нафаси қолгунича она-Ватанига садоқатли фарзанд бўлиб қолишга онт ичди. Шундан сўнг уларга ҳарбий гувоҳномалар топширилди.

- Ўғлим Жасурбек бугун Ҳарбий Қасамни қабул қилди - эр йигит бўлди, - дейди оҳангаронлик Зайниддин Шерматов. - Сафарбарлик чақируви резерви хизмати бизга жуда мақул бўлди. Ўғлим институтга кириб ўқимоқчи. Ҳозир ҳарбий хизматда бўлса, унинг ўқиши анчага кечиккан бўлар эди. Шу жиҳатдан ҳам ҳарбий хизматнинг мазкур тури жуда қўл келди унга. Аслида, хоҳиши бор одам бир ойлик машқ мобайнида ҳам жуда кўп нарсани ўрганади.

- Амаким тўғри айтяптилар, - дея суҳбатга қўшилади ўзини Жамшид Ҳакимов деб таништирган оддий аскар. - Бошда биз бир ойда нимани ҳам ўрганар эдик, деб ўйлаган эдик. Янглишибмиз ва бундан хурсандмиз. Бир ой мобайнида турли қуролларнинг хусусиятларини, уларни ишлатишни, сафда юришни, кимёвий қуроллардан ҳимояланиш ва ҳарбий тактик усулларни батафсил ўргандик.

Маросимда Тошкент вилоят ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

ФАЛАСТИНЛИК МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛМОҚДА

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган бу хабар халқаро ҳамжамиятда Яқин Шарқдаги беқарорликнинг тинч йўл билан ҳал этилишига бўлган ишончни кучайтирмоқда. Июль ойининг бошларида Исроил ҳукумати турмаларда сақланаётган саккиз минга яқин фаластинлик маҳбуслар бор-йўғи бир неча ўнтасинигина озодликка чиқарган эди. Ўтган якшанба куни Исроил ҳукумати бош вазир Ариэл Шароннинг яна юз нафар маҳбусни озод этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Ҳозирга келиб жами икки юзга яқин маҳбус озодликка чиқарилди. Айни пайтда ўн тўрт вазир А.Шарон ташаббусига хайрихоҳлик билдирган. Тўққиз нафари эса бунга қаршилик кўрсатаётир.

Шу ҳафта яна беш юздан ортиқ маҳбусни афв этиш режалаштирилган. Булар ХАМАС, «Ислом жиҳоди» ва ФАТХ каби ҳарбийлашган гуруҳ вакилларидир. Бироқ Исроил ҳукумати ўз халқига қарши террорчиликни амалга оширган ва одам ўлдиришда айбланган шахсларга озодлик бермаслигини маълум қилмоқда. Шу боис фаластинликлар барча маҳбусларни афв қилишни талаб қилиб намойишлар уюштираётир.

Халқаро кузатувчиларнинг эътироф этишича, фаластинлик маҳбусларнинг афв этилиши халқаро тўртликнинг Яқин Шарқ минтақасида барқарорликни таъминлашга қаратилган «Йўл харитаси» режаси доирасидаги амалий ҳаракатларнинг муҳим қисмидир.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, сўнгги вақтларда «Йўл харитаси» режасини ҳаётга жорий қилиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, мазкур режа шартларига мувофиқ Исроил қўшинлари Ғазо минтақасининг шимолий қисмини тарк этди, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган Вифлеем шаҳри Фаластин хавфсизлик кучлари ихтиёрига ўтди. Бундан ташқари, ХАМАС, ФАТҲ каби гуруҳлар Исроилга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини тўхтатишини маълум қилди.

Бироқ воқеалар ривожи тинчлик йўлида амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг ҳали кўплигини кўрсатаётир. АҚШ давлат департаменти вакили Ричард Баучер журналистлар учун интервью берар экан, Фаластин терроризмга қарши кураш чораларини кучайтиришни, Исроил ҳукумати эса «Йўл харитаси» режаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларга амал қилиши лозимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, Исроил босиб олинган ҳудудларга ўз аҳолисини ноқонуний кўчириш ишларини тўхтатиши ҳамда Ёсир Арофат қарорғоҳи жойлашган Рамаллоҳ шаҳри қамалини тугатиши лозим.

Исроил расмийлари минтақада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун биринчи галда ХАМАС ва «Ислом жиҳоди» айирмачи гуруҳлари фаолиятига барҳам беришни талаб қилаётир. Шундай бўлса-да, бу ерда вазият бир қадар яхшиланмоқда. Иордания ва Миср ҳукумати Исроилга ўз элчиларини қайта жўнатиши ҳақида берган хабари бу фикрга яққол далилдир. 2000 йил араб-исроил муносабатларининг кескинлашиб кетиши натижасида Иордания ва Мисрнинг минтақада тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳаракатлари бироз сусайган эди.

Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббоснинг ўтган ҳафта АҚШга ташрифи давомида Фаластиннинг иқтисодий ривожланиши учун қўшма гуруҳ тузишга келишиб олингани ҳам Яқин Шарқ заминида барқарорликни таъминлашда муҳим қадам бўлди. Бундан кўзланган мақсад, Фаластинга чет эл сармоясини киритиш ва янги иш жойларини ташкил қилишдан иборатдир.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● МАҲАЛЛАНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

"ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" КУНДАЛИГИ

(Боши 1-бетда)

17 - 26 июл кунлари туманлараро ғолиб бўлган, 15-16 ёшли ўсмирлардан тузилган саккизта маҳалла жамоалари шаҳар биринчлигини қўлга киритиш учун беллашдилар. «А» гуруҳида Сирғали туманининг Обод, Акмал Икромов туманининг Ўрикзор, Чилонзор туманининг Гулистон, Собир Раҳимов туманининг Қорасарой маҳаллалари жамоалари, «Б» гуруҳда эса Юнусобод туманининг Бободеҳқон, Мирзо Улуғбек туманининг Оққўрғон, Ҳамза туманининг Й.Охунбобоев номли, Миробод туманининг Файзобод маҳаллалари жамоалари куч синашдилар.

26 июль куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида мазкур мусобақаларнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри ғолиби бўлиш учун бошқа жамоаларни доғда қолдирган Гулистон ва Қорасарой маҳаллалари жамоалари беллашдилар.

Беллашув карнай-сурнай садолари, кўпсонли мухлисларнинг олқишлари остида ўтди. Таъкидлаш жоизки, ҳар икки жамоа бир-бирлари учун муносиб рақиб бўлолдилар. 1:0 ҳисоб билан Гулистон маҳалласи жамоаси ғалабага эришди ва Тошкент шаҳри ғолиби сифатида республика босқичига йўл олди. Қорасарой маҳалласи жамоаси иккинчи ўринга, Бободеҳқон маҳалласи жамоаси учинчи ўринга, Оққўрғон маҳалласи жамоаси тўртинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолиб ва бошқа жамоаларга Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, айни кунларда 11-12 ёшлилар ўртасидаги мусоқаларда тошкентлик олти нафар жамоа куч синашмоқдалар. 31 июлда ушбу ёшдаги жамоалар ўртасида ярим финал, 4 августда эса финал мусобақалари бўлиб ўтади. Демак, маҳалла футболи ишқибозларини олдинда яна қизиқарли учрашувлар, завқли мусобақалар кутмоқда.

***



***

Қашқадарё вилояти

«Футболимиз келажаги» мусобақалари қизғин давом этаяпти. Шаҳар ва туманларда эса дастлабки турнирлар ниҳоясига етаяпти.

Қашқадарё вилояти марказида турнирнинг Қарши шаҳар босқичи якунланди. 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган қизғин бахсларда Кунчиқар маҳалласи ёшлари барчадан устун чиқиб биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Ф.Хўжаев номли, учинчи ўрин эса Кат маҳалласига насиб этди.

15-16 ёшлилар ўртасидаги беллашувлар айниқса қизғин ўтди. Унда Қарлиқбоғот маҳалласи футболчилари ҳаммадан устун келдилар. Иккинчи ўрин Кат, учинчи ўрин Пахтазор маҳалласи ёшларига насиб этди.

Ғолиб чиққан командалар турнирнинг вилоят босқичларида шаҳар шарафини ҳимоя қиладилар.

Ғолибларга шаҳар ҳокимлиги, вилоят футбол федерацияси, «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси шаҳар бўлими «Фахрий ёрлиқ» лари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Тошкент вилояти

Шунингдек, 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида турнирнинг Тошкент вилояти ғолиби ҳам аниқланди. 26 июль куни Тошкент туманидаги Келес марказий ўйингоҳида бўлган вилоятнинг финал босқичи мусобақаларида Тошкент туманидаги Келес шаҳарчаси жамоаси биринчи ўринга, Оққўрғон туманидаги Мустақиллик маҳалласи жамоаси иккинчи ўринга, Бўка шаҳридаги Янгиобод маҳалласи жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Альфия БЕКБУЛАТОВА,
ТДМИ талабаси.
Суратлар муаллифи Э.УМАРОВ.

ТАНЛОВЛАР - ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

- **Совғага 11 та компьютер**
- **Ҳомийлар бор бўлсин**
- **Болалар спортига эътибор**
- **Йилнинг энг яхши тарбиячиси ким?**

Йўлингиз тушиб Оқтош шаҳрига бориб қолсангиз А.Ҳақназаров номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хосият опа Ярашева ҳақида илиқ сўзларни эшитасиз. Чунки опанинг жонкуярлиги, олиб бораётган хайрли ишлари кўпчиликка манзур. Аввало маҳалла ҳовлисига кираверишдан баҳри дилингиз очилади. Ҳаммаёқ гулзор. Гуллар шайдоси опа маҳалла биносини замонавий талабларга мос равишда дид билан жиҳозлаган.

- Бу ерда кўплаб кўрик-танловлар ўтказиб турилади. Мусобақалар - ютуқлар гаровидир, - дейди у. - Танловда ютиб чиқиш илинжида узоқ вақт тайёргарлик кўрилади. Ғолиб албатта меҳнати самарасини кўради. Мағлуб эса келгуси сафар ютиб чиқишга ҳаракат қилиб, аввалгидан ҳам баракалироқ меҳнат қилади. Ҳар йили ўтказиладиган "Энг обод кўча", "Энг ибратли хонадон", "Ибратли қайнона", "Ибратли келин" каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида маҳалламиздаги Бобур номи билан аталмиш кўча 1-ўринни олиб қимматбаҳо совға соҳибига айланди, "Энг ибратли хонадон" кўрик-танловида эса Абдумўминовлар (Зуҳра Қиличевалар) хонадони ғолиблик қилишди.

"Мактаб, маҳалла, оила" концепцияси бўйича ҳам бир қанча ижобий ишларни амалга ошираяпмиз. Ҳудудимизда 3 та болалар яслиси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлар олиб бораяпмиз. Ушбу яслилар ичида 17- болалар яслиси туман миқёсида ўтказилган "Кўркам боғча" кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совға соҳиби бўлди. Бундан ташқари ушбу ясли мудираси Меҳринисо Абдураҳмонова ўтган йили республикада ўтказилган "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танловида иштирок этиб фахрли 1-ўринни эгаллаганди. Ғолибга 11 та компьютер совға қилинди.

Мактаб билан ҳамкорликда "Уч авлод" учрашувини ташкил этдик. Бунда уч авлод вакиллари: буви, қиз, онаси иштирок этди. Учрашув жуда қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди. Халқ таълими бўлими ҳомийлигида ўтган бу учрашув ҳам қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Ҳозирги пайтда "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари" кўрик-танловлари айни қизғин паллага кирган. Ёшларни тўғараклларга жалб этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Қизлар учун "Оила ҳамшираси", "Зардўзлик", "Бичиш-тикиш" тўғараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ёш йигит-қизлар учун спортнинг бир қанча турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди.

Маҳаллада олиб борилаётган хайрли ишларни амалга ошириш ва тадбирларни ўтказишда бевосита ҳомийлик қилаётганлардан Зирабулоқ нефт маҳсулотлари тарқатиш корхонаси, Зирабулоқ газ тақсимлаш идораси, "Деҳқонобод" ҳиссадорлик уюшмаси, Нарпай тумани халқ таълими бўлими кабиларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

Суҳбатдош:
Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
"Mahalla" мухбири.
Самарқанд вилояти Нарпай тумани.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси қошидаги **«Маҳалла муруввати»** *корхонаси маҳалаларда ташкил этилган болалар спорт жамоалари учун болалар спорт либосларини ишлаб чиқаради ва сотади.*

Телефонлар:
136-37-66
47-83-03

Сурхондарё вилояти ● Мулоҳаза, муносабат

МИЛЛАТ СИНГАРИ ҚАДИМИЙ

Маҳалла, деган тушунча миллатимиз сингари қадимий.Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун туманларидаги маҳаллалар Жарқўрғон, Музработ, Ангор, Термиз, Шеробод, Шўрчи туманлари, Термиз шаҳри маҳалла фуқаролар йиғинларига нисбатан бироз илгарироқ шаклланиб, фаолият кўрсата бошлаган.

Жанубий ҳудудларда ҳам маҳаллалар бор бўлса-да, ҳали уларни том маъноси билан маҳаллалар, деб бўлмасди. Тўғри, маҳалланинг номи, унинг ҳудуди, истиқомат қилаётган аҳолининг сони аниқ эди, лекин одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бир-бирларининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишдек муҳим жиҳатлар етишмасди. Шу ўринда юртбошимиз Ислом Каримовнинг бир фикрини таъкидлаб ўтиш жуда ўринли бўларди:

«...Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаса, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг «тинчини» бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугунги қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимиз розилигини олган бўламиз».

Бизнингча, вилоятдаги аксарият маҳаллалар фаолиятида ана шу жиҳатлар тўлиқ номоён бўлмаётгандай. Айрим оқсоқоллар, тў-ю бошқа ҳар хил маъракаларни тартибли, кам чиқим қилиб ўтказиш, маҳалладошлар кўмагини уюштиришга бошқош бўлишнинг уддасидан чиқа олмаяптилар. Маҳаллада яшаган, баъзи мансабдорлар эса, тўй томошалар ҳатто маъракадан, ҳашардан ўзларини четга олмоқдалар.

Тўй-томоша ёки маъракa бўладими, эрталабдан туннинг бир маҳалигача келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Маҳалла оқсоқоли, маҳалладошларнинг фаоллигию ёрдами сезилмайди. Ҳамма ташвиш тадбирни ўтказаётган хонадон эгаси, унинг яқин қариндошуруғларига қолиб кетади. Бу осон эмас, албатта. Тўғри, энди маъракаларни ўтказиш вақтини белгилаш хусусида гап-сўз юритилаётир. Аммо бунга бир-икки кунда эришилмайди, собитқадамлик билан иш юритилса, балки ҳаракатимиз зое кетмас...

Масалан, маҳалла чинакам маҳалла бўлиши учун раиснинг хонаси бўлиши, ёки иш режасининг ёзиб қўйилиши кифоя эмас. Маҳалла фуқароларининг тўю маракаларида фойдаланиш учун чойнак-пиёла, коса-товоқдан тортиб, махсус столлар, ўтиргичларгача тайёрланса, аввало, одамларга жуда катта қулайлик яратилган бўлади, иккинчидан, ушбу анжомлардан фойдаланган ҳар бир киши белгиланган миқдорда хизмат ҳақи тўлайди. Демак, маҳалла ўзўзини маблағ билан таъминлашни йўлга қўяди.

Айнан маҳалланинг ободлиги ҳар бир хонадон ободлигидан бошланади. Бу ўринда ҳовлига, кўча-йўлларга сув сепиб, супириб қўйиш ишнинг бошланиши. Кўкаламзорлаштириш, соғлом турмуш тарзига эришиш, оила аъзоларининг ахлоқи, одоби, элга, юртга бўлган ҳурмати билан ҳам ўлчанади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи кекса-ёшнинг юксак, маънавияти ва маъданияти бўлмоғи ҳам лозим.

Маҳаллалар фаолиятида кўзга ташланадиган нуқсонлардан яна бири, оқсоқоллар фуқароларни яхши билишмайди, демак, улар одамлар орасида кам бўладилар.

Маҳалла, Ватан ичидаги кичик Ватан бўлса-ю, бу Ватанда кимлар биз билан ёнма-ён яшаётганини билмасак, огоҳлик, ҳушёрлик ҳақидаги даъватимиз бесамар эмасми? Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ўзлари билан бир маҳаллада яшаётган фуқароларни, уларнинг феъл-атворини, турмуш тарзини яхши билишса, нима билан нафас олаётганидан хабардор бўлишса, ҳар хил ноҳушликларнинг олди олиниши шубҳасиз.

Афсус, шундай бўлмаяпти. Бирон кўнгилсиз воқеа юз берса, ҳаммаси пана-панада ўша оила шаънига таъна-дашном ёғдириб ўтиравераді. Оқсоқоллар, фаоллар шунинг учун сайланганми?

Аввало, маҳалла йиғинига сайланган оқсоқол ўша ҳудуддаги ҳар бир оила бошлиқларинигина эмас, балки, унинг кўз ўнгида туғилиб, тетапоя бўлган, камолга етаётган фарзандини ҳам яхши билиши, уларга меҳр улашиши лозим. Ўғил-қизларимиз маҳалла оқсоқоли фаолларини ўз ота-онасидек, боболаридек азиз билишлари, уларга дилларидаги гапларни асло тортинмасдан айтишлари керак. «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деганлари шу эмасми? Лекин, бундай ишонч ва шарафга муяссар бўлиш осон эмас. Ҳе, йўқ, бе йўқ, маҳаллага кечагина қайсидир вазифада ишлаб,сўнг «...ўз аризасига биноан» ишдан бўшаган кишини раис қилиб сайлаб кетиш билан маҳалла сиз-у биз кутган фуқаролик жамияти самарасини бермайди.Негаки, тасодифан раис бўлган кишига маҳалла аҳли дарду ташвишларини рўй-рост айтмайди. Чунки, улар учун раиснинг салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти равшан эмас. Надоматлар бўлсинки, кўплаб маҳаллалар йиғинларига ана шундай кишилар «раислик» қилмоқдалар.

Тўғри, улар ҳам баҳоли қудрат ишлашаяпти. Фуқароларга зарур маълумотномаларни бериб туришибди. Лекин, уларнинг иш савияси паст, ташкилотчилик қобилияти етарли эмас. Раислар ўзларини маҳалла фуқароларининг бошини силаб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун, давлат идоралари, мансабдорларнинг «тинчини» бузадиган вакил деб билмаяптилар, халқнинг чинакам хизматкори эканликларини унутиб қўйганлар.

Ўтган йили маҳалла фуқаролари йиғинига педагог лавозими жорий этилди. Бу заруриятнинг туғилиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги ёшларни ҳар тарафлама замон руҳига мос, юксак маънавиятли, жисмонан бакувват, соғлом қилиб тарбиялашдан, бўш вақтларини кўнгилли ўтишини таъминлашдан, иккинчидан уларнинг бебош юриши, бехосдан жиноят кўчасига кириб қолиши, ақидапарастлар, террористлар каби жамият душманларининг таъсирига берилишига йўл қўймасликдан иборат.

Хўш, педагог-тарбиячилар мақсад йўлида шижоат билан дадил қадам ташладиларми? Бир сўз билан айтганда - йўқ! Вилоятдаги Шўрчи, Қумқўрғон, Термиз, Музработ, Қизириқ, Шеробод, Бойсун туманларидаги қатор маҳаллаларда бўлиб, педагог тарбиячилар иши билан танишганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Ҳали улар маҳалла болалари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини изчил олиб боаётганлари йўқ. Баъзилари маҳалла ҳудудидаги мактаблардан 16 ёшгача бўлган ўсмир ёшларнинг рўйхатини олиш билан овора, холос.

Кўпчилик болалар эса ўқишдан сўнг нима иш билан машғул бўлишларини билмай, кўча-кўйда тентираб юришибди. Маҳалла оқсоқоллари, педагог-тарбиячиларнинг эса парвойи-фалак. Айрим маҳаллалар эса ҳатто ўйингоҳларга ҳам эга эмас.

Ёмон томони шундаки, кўпгина ишга олинган педагог-тарбиячилар касб йўналишига кўра вазифасига номуносиб кишилар. Улар орасида ўрта маълумотли ҳисобчилар, ҳосилотлар, техник механиклар бор. Бу эса маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолияти тўғрисидаги Низом талабларига мутлақо жавоб бермайди. Педагог-тарбиячилар орасида ҳали ана шу низомни қўлига олмаган, уни ўқиб чиқмаган, вазифаси, бурчи, мажбуриятлари нимадан иборат эканлигини билмайдиган кишилар борлиги ниҳоятда ташвишли ҳолдир.

Ишимизнинг яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир маҳалла оқсоқоли,фаоли фуқароларимиз қалбларига кириб борса, ёшу кексаларни шу юртга ҳурматда бўлишга, Ватанимиз равнақи учун баҳоли қудрат ҳисса қўшишга даъват этса, айниқса, ёшларимизнинг камоли тўғрисида доимий равишда қайғурса элнинг ишончини оқлаган бўлади.

Б.КЕНЖАБОЕВ,
журналист.
О. ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

● Можаро ва тафсилот

АРЗОНГА СОТИЛГАН БИНО

У КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН...

Бу савдо туфайли биносиз қолаётган Жаул Қосим номли маҳаллани ҳимоя қилиши мумкин бўлган идора борми? Бор. Лекин улар маҳалла ҳимоясига шошилмаяптилар!

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Толарик қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида бешта маҳалла фуқаролар йиғини бор. Жаул Қосим номли маҳалла шу бешта маҳалланинг бири, унда 565 та хонадон яшайди. Айни кунларда ушбу маҳалла йиғини 1996 йилдан бери идора сифатида фойдаланиб келаётган биносидан қувилиш арафасида турибди. Маҳалла оқсоқоли Саид Омоновни тахририятга етаклаб келган сабаб ҳам шу эди. Албатта «Нима учун маҳалла идорасиз қолиши мумкин?» деган савол туғилди бизда. Бу саволга бир пайтлар Салим Маллаев номли ширкат хўжалиги ҳисобида бўлган бу бинонинг ўтмишини, хусусан, қай тарзда маҳаллага идора сифатида берилгани ва нима учун айни кунда маҳалла йиғини ва фуқаро Ойгул Қозоқова ўртасида талаш бўлаётганини таҳлил қилибгина жавоб топиш мумкин.

... 1995 йилда Жаул Қосим номли маҳаллага Саид Омонов оқсоқол этиб сайланади. 1996 йилда маҳалла ҳудудидаги шийпон ҳашар йўли билан таъмирланиб, унда маҳалла идораси жойлашади. Бунгача шийпоннинг икки хонасида 1985 йилдан буён қишлоқ «медпункти» фаолият юритар, қолган хоналардан эса ҳар ёзда мавсумий болалар боғчаси сифатида фойдаланиб келинган. Шундай қилиб, бинонинг беш хонасида маҳалла идораси жойлашади, ширкатнинг ўша пайтдаги раиси А.Ғодаев бунга қаршилик билдирмайди, лекин йиғин билан ширкат ўртасида бирон расмий ҳужжат ҳам имзоланмайди. Бу тушунарли. Чунки бу пайтда маҳалла тизими эндигина жонланаётган эди, устига-устак унга ширкат томонидан ҳеч қандай шарт ҳам қўйилмади. Ахир маҳаллада ширкат аъзолари яшайди, бегоналар эмас.

Шу кунларда эса оқсоқолни тез-тез судга чақиришмоқда. Чунки айни кунга сўм тўлаган экан. Шундай бўлиши мумкинми? Агар бу ҳаракатлар қонуний бўлса, албатта мумкин. 2001 йил охирида ширкат хўжалиги раиси А.Ғодаев вазифасидан бўшайди.

Биринчидан, бинонинг нархланиши кишида эътироз туғдиради. Етти хонали бино наҳотки 62 минг сўм турса?! Бу баҳони ким белгилабди: ширкатнинг собиқ раисими ёки О.Қозоқова? Ёки бирон сахий идорами? Солиштириб кўриш учун бир мисол: 2001 йилда бир куб тахтанинг нархи 80-100 минг сўм атрофида бўлган. Демак, ширкат хўжалигининг собиқ раиси бинони сотган эмас, О.Қозоқовага инъом этиб кўя қолган дейиш ўринлидир. Яна қандайдир тўловдаги имтиёзлар билан денг?! А.Ғодаев ширкат мулкини сотишга эҳтиёж сезган экан, уни иложи борича қиммат сотиб, шу орқали ширкатнинг бирор «кемтигини» тўлдиришни кўзлаши керакмасмиди? Ширкат хўжалигининг борми, ўнлаб харидорлар чиқиши, улардан бири маҳалла йиғини бўлиши табиий эди. Ҳар ҳолда йиғин беш йилдан бери шу бинони эгаллаб турганлиги, унинг бошқа жойи йўқлиги, уни обод қилгани учун ҳам энг биринчи таклиф йиғинга билдирилиши керак эди! Нима бўлганда ҳам бино ва жиҳозлар 91 минг сўмдан бир неча бор баланд нархда сотилиб, хўжаликка каттагина кирим қилинган бўларди.

А.Ғодаев ва О.Қозоқованинг имзолаган «олди-сотди» шартномасига ишончсизлик ширкат хўжалигига А.Ғодаевдан кейин раис этиб тайинланган Ғ.Амиров томонидан ҳам билдирилган. Янги раис бу бино каби сотилган бошқа биноларни ширкат хўжалигига қайтариш учун ҳаракат қилган. У биринчи навбатда ширкат мулкини баҳолашга ваколатли бўлган ташкилотга бинони баҳолаб беришларини сўраб мурожаат қилади, мазкур бино 1990000 сўмга нархланади! Орадан кўп ўтмай Ғ.Амиров ишдан бўшайдию, «ёпиғлиқ қозон чала ёпиғлигича» қолиб кетади. Чалалиги шундаки, маҳалла идорасини бузиб, изини йўқотишга улгуришмади. Кейинги раис, яъни А.Алимов эса бинони ширкатга қайтариш борасида жиддий ҳаракат қилганича йўқ. Ширкат манфаатини ўйлаган раис бу олди-сотдини бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилса бўлади. Ахир бу «олди-сотди» ишида қонунбузарликлар борлигини (ҳар ҳолда биз шундай ўйлаймиз) аниқлаш қийин эмас. Шундай қилинмагач эса О.Қозоқованинг қўлидаги ҳужжат маҳалла йиғинини кўчага ҳайдаш учун етарли бўлади-да. Ҳа, О.Қозоқова ўз шахсий мулкини орттириш учун жон қойитаяпти. Хўжалик мулки, аҳолига хизмат қилувчи мулк учун эса ким жон қойитарди? О.Қозоқованинг ютуғи шунда. Маҳалла оқсоқоли бу ўринда ҳеч бир ҳуқуқга эга эмас. Мана энди, маҳалла йиғини идорасидан ҳайдаб чиқарилиш арафасида турибди. Бордию, суд О.Қозоқова тақдим этган «олди-сотди» шартномасига асосланиб иш кўрса (барча жим тураверса, шундай бўлади ҳам!) Жаул Қосим номли маҳалла йиғини, тиббий пункт ходимларининг кўчага ҳайдалишини томоша қилиб туравераміз! Бу ўринда биз фақат маҳалланинг манфаатини кўзлаб, бир ёқлама фикр билдирмоқчи эмасмиз. Бордию, О.Қозоқова бинонинг ҳақиқий қийматини ширкатга тўлаганда, уни бу бинога эгалик қилиш ҳуқуқи билан фақатгина табриклаган бўлардик. Афсуски, О.Қозоқова бунча маблағни тўламоқчи эмас, унинг нияти бир вақтлар А.Ғодаев билан келишганидек, ўша нархда бинони қўлга киритиш, холос.

Таҳлиллардан аёнки, «олди-сотди» шартномасининг қонунийлигига шубҳа бор. Хўш, бунга суднинг эътиборини жалб этиш кимнинг зиммасида? Жанжаллашишни истамаётган ширкатнинг айни кундаги раиси наҳотки энг биринчи ва ўринли даъво унинг томонидан билдирилиши лозимлигини тушунмаса? Туман ҳокимлиги, прокуратураси-чи?

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Таҳририятдан:

Ушбу мақола саҳифага жойланганда, яъни кеча кечкурун маҳалла оқсоқоли бизга телефон орқали хабар қилди: Пастдарғом туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди маҳалланинг О.Қозоқовага бинони бўшатиб бериши ҳақида қарор чиқарибди. Бу кутилган эди.Чунки мақолада эътироф этганимиздек О.Қозоқованинг қўлида хужжат бор. Туманда эса бу ҳужжатнинг қонуний ёки ноқонуний эканлигини талаб қиладиган ташкилот, уни судга берадиган манфаатдор ваколатли идора топилмаяпти. Начора? Аммо таҳририят бу ўринда бефарқ қололмайди.

Муҳаббат, бормисан ўзи...

Сирдарё вилояти

«ОҲ, ГУЛХАЙРИ...»

(Тоғда туғилган воқеий қўшиқ)

Саратон кунлардан бирида биз бир гуруҳ талабалар сўлим Бахмалнинг Оққўрғон қишлоғига кириб борар эканмиз йўлнинг ўнг тарафидаги ўнгирда келинларнинг оқ ҳарир либосларини эслатувчи қийғос гуллаган гулхайризорга, олмалари қип-қизил рангга кираётган боғларига, ҳу, қирларда эса ҳайқириб буғдой ўраётган комбайнларга кўзимиз тушади.

Табиатга шу қадар сеҳрланиб қолганимизни машинамиз тўхтаганидан сўнг ҳис қилдик.

Гулхайризор адоғида чиройли, оқланган бир иморат кўринди. Деразалардан кўринган оқ халатли кишилардан билдикки, бу - қишлоқ врачлик амбулаторияси. Йўлнинг сўл тарафида яна бир муҳташам бино - янги қурилган мактаб, унинг спорт майдончаси, гулзорлари, боғлари... ундан нарида эса Оққўрғон қишлоғи хонадонлари бошланиб кетади. Шу жойда сой бўйидаги тегирмоннинг сал қуйироғида Мирзо исмли йигитнинг хонадони бор. Шу қишлоқ йигити ва унинг оиласи машинамиз радиосида шу тобда янграб, бизни ўзига мафтун этаётган қўшиқнинг яратилишига сабабчи эканлигини шаҳарлик сайёҳлар билишмасди. Қўшиқ эса бир муҳаббат тарихидан ҳикоя қиларди:

Ҳе-е-ей! Бу замину, сарҳадларда,
йўқ сенингдек чиройли,
Дилим оҳу зорин айтсам:
Мен мажнунман, сен Лайли!
Эй, Гулхайримхон, жон Хайри,
Менинг билан қол, Хайри!

Бирдан кўзларимизга ишонмадик... Вужудимиз даҳшатдан титради, тепалик ортидаги сўнгсиз гулхайризор ўсиқ ўтлар билан биргаликда пичан сифатида даста-даста қилиб қўйилган эди.

Ўрилган гулларнинг ҳали сўлиб улгурмаганига қараганда, атиги бир неча дақиқа илгари жамланган. Ўроқчи тушмагур ҳали замон тушликдан келиб қолганини ҳам ўриб ташласа-я! Бу фикрдан юракларимиз зирқирарди...

Энди ошиқ Мирзо саргузаштларини эшитинг:

Оққўрғонлик мулла Умар бобо кексайган чоғида икки фарзанд - бир ўғил бир қиз кўрганди. Ўғилнинг исмини Турдимурод, қизининг исмини Хайрихон қўйишди. Тангрим Турдимуродга беназир қобилият ато этди. Қизи Хайриниса ҳам шоирликда, шўхликда акасидан қолишмасди. Айниқса у сўзга чечан, ақлли эди. Тақдир бу тоғ қизига ажиб бир чирой, айрича бир ҳусн бахш этди. Мирзо бу қизни севиб қолиб, муҳаббат изҳор этганида дастлаб у кўнмади. Мирзога доим омад кулиб боқарди. У оила қуриб, бахтли бўлишига ишонарди. Хуллас, Хайрихонни шомдан сўнг сойда - дарё бўйида учрашишга кўндирди. Қишлоқнинг содда йигити эмасми, бирон совға салом ҳам олмабди, лекин унинг зийраклиги вазиятдаги тангликдан қутқарди: у соҳилда чаман гуллаб турган гулхайри шодаларидан бир гулдаста ясади. Лекин дарё бўйида қизни анча кутиб қолди. Қуёш ботишига бир қаричгина қолганида у терак учига илиниб қолса бўладими? У ҳам висол онларини кўрмоқчи чамаси силжимай туриб олди. Масалан бундай дейди: Ошиқ йигит сабр тоқатга ўтган ҳам эдики, осмоннинг шабнамнинг ҳижоби ёпилди, чумчуқлар ёр келаётганидан дарак беришди. У оҳиста-оҳиста йигит ёнига тушиб келди. Ҳар иккиси унсиз бир-бирига яқинлашди. Шу пайт бир капалак учиб келиб, йигит қўлидаги гулга қўнди, бундан у қўлида гул борлигини билиб, уни севгилисига узатди. Капалак гулдан Хайрихон билагига, ундан қуёв йигитнинг дўпписига кўндида, дарё бўйидаги капалаклар галасига қўшилиб учиб кетди.

...Тўйдан сўнг муҳаббатли оилада ўғил-қизлар бирин кетин вояга ета бошлади.Хайрихон Бахмал адирларида кўп ўсувчи ўзининг "адаш"и бўлмиш гулхайрини тўй арафасидаги учрашув боис яхши кўриб қолди. Дилга мусаффолик, қалбга уйғоқлик бахш этувчи бу ёввойи гулнинг бир неча жуфти ҳамиша севишганлар ҳовлисида ва чорбоғида очилиб турарди. Шундан бўлса керак Хайриниса ҳовлида турфа хил гуллар ўстиришга жазм қилди. Унинг эрта баҳордан қилган меҳнати туфайли хонадон ҳовлисида гулираъно, гулибеор, райҳон, жамбил ва бошқа гуллар ҳамиша муаттар ҳидларини таратиб, атрофни серфайз ва чороғон қилиб турарди. Ҳатто у қизларининг исмларини ҳам гулларга уйқаш қилиб Гулноза, Гулшода, Сафаргул деб қўйган. Тўнғичи туғилганда биз ҳам элга қўшилиб, иззатикромли бўлайлик деб Икромжон қўйишди. Пайти келиб Мирзо шаҳарга ўқишга бормоқчи бўлди, севгилисидан рухсат сўради. У рози бўлди, иккинчи ўғлининг исмини илм шарафига Олимжон қўйишди. Тақдир уларни Мирзачўлга отлантирди. Шундай сўлим қишлоқни ташлаб, чўлу биёбонга кетиш Хайрига ёқмай турган бўлсада, эрининг шаштидан қайтармади. Чўл марказидаги 6-совхозда истиқомат қилдилар. Бу ерда таваллуд топган қизларига Бахмал гулларини эслаб юришлари учун Гулноза ва Гулшода қўйдилар. Орадан бир неча йил ўтгач, Мирзо уйига яна хушхабар билан келди. Мени мутахассис сифатида Африкага - Мозамбик давлатига юборишмоқчи, розимисан, деди. Ер шарининг нариги тарафига бир неча йилга кетиш бир этак болаларнинг онаси учун жуда оғир эди. Яна айрилиқ ... Шу топда унинг юрагида бир санчиқ турди. Хайриятки, тезда ўтиб кетди. Олис юрт иштиёқида бўлган йигит рафиқаси юрагида кечаётган ҳиссиётларни қаёқдан сезсин. Лекин Хайрихон унга оқ йўл тилади. Сафар пайти туғилган қизчага Сафаргул деб исм қўйдилар.

Икки йиллик Мозамбик сафари ҳам ортда қолди. Уларга соғ-омон ўзларининг юртларига - Бахмалга кўчиб келиш насиб этди. Бу ерда туғилган қизига Насиба деб исм қўйдилар.

Хайрихон 40 ёшдан ошганида хасталиги бошланди. Қўлига чиққан яра унинг дардини янада оғирлаштирди. Мирзо чуқур ўйга толди: "Хайрихон, сени толиқтирган, ўсал қилган мен эмасми?" У бемор ёнига бориб оҳиста эгилди. "Мен сени бир неча марта ёлғиз, фироқ дардида қолдириб кетганман. Кечиргин. Фақат сен мени ташлаб кетма!"

- «Сиз ҳамиша хизмат юзасидан кетгансиз, ўзим рози бўлганман. Бунга фарзандларимиз гувоҳ. Энди сафар навбати менга. Сиз ҳам мендан рози бўлинг...» У гапиришга куч тополмай қолди. Мирзо қулоғини базўр пичирлаётган Хайрихон лабларига яқинлаштирди. Ундан гулхайри ифори келиб димоғига урилди.

Талаба ёшлар бу мунгли ҳикояни тинглаб оёққа турганларида ўроқчи акамиз гулхайризорнинг қолганларини ҳам ўриб, ажал ўроғини қайраб турарди.

Бу яқин ўтмиш ҳикоясини қишлоққа киришда эшитдик. Оққўрғон ва Доғғира қишлоқлари ўртасидаги кенгликлар, атрофдаги қирлар усти гулхайризорларга айланган.Доғғира тепалигидан бутун Бахмал водийсига боқдик: эҳ-ҳе, бундай гулхайризорлар сон-саноқсиз экан. У жойларга ўроқчининг қадами ҳам етмайди, етса уни ўриб улгурмайди ҳам.

Мирзо йигит Мирзонинг чўлидан қайтгач, Оққўрғон қишлоғида улкан бир боғ барпо этган. Ўтган йили бу боғга Хайрихон хотираси учун яна юз туп олма кўчати экди. Боғ четида янги гулзор барпо қилинди. Ҳовли ва катта боғнинг атрофига оқ гулхайри уруғини сепиб чиққан эди. У айни пайтда қийғос очилиб турибди.

Ҳа, Мирзо "Менинг билан қол, Хайри!" дея худонинг зорини қилса ҳам Хайрихон қолмади. Чунки ҳар биримизнинг номаи аъмолимизда бир ҳукм борки, у шаксиз ижро этилади.

Агар Бахмалга йўлингиз тушиб қолса Мирзо Назаровлар хонадонида меҳмон бўлиб, яйраб ҳордиқ чиқариб кетинг. Йилнинг қайси фаслида борманг хонадон соҳиблари ўша гулзор ичида кутиб олади, хонадонда "Оҳ, гулхайри" қўшиғи доимо янграб туради.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ.



Барча маҳаллалар каби Тошкент вилояти Тошкент тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада ҳам педагог-тарбиячи фаолият кўрсата бошлаганидан буён болажонларнинг ёзги таътил кунлари зерикарли ўтмаяпти.

Суратда: педагог-тарбиячи Раҳима опа ОРИПОВА ўқувчилар билан янги мавзуда суҳбат қурмоқда.

Истиқлол гурунги

*** КЕТМОН ЎҒИРЛАШ БИЛАН ҲАНДАЛАК ЎҒИРЛАШНИНГ ФАРҚИ КАТТА...**
*** СИЗ ИШДА ФАОЛСИЗ, МАҲАЛЛА КУЙДА-ЧИ?**
*** БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНАЛИК ҚИЛАЯПТИМИ?**

Ўтказилган дархт кўчатини шафқатсизлик билан юлиб олаётган қўшни хонадон боласини тартибга чақиришдан истиҳола қилувчи киши ишхонасида нечоғли фидойи ишламасин уни, комил инсон сифатида тан ололмаймиз.

Бекжон САФОЕВ,
ҳуқуқшунос, Урганч шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи.
Абдулла СОБИРОВ,
журналист.

МОДДИЙ БОЙЛИК ЯРАТИШ ҲИССИ:

У ИНСОНДА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Ўша кезларда бу воқеага кўпам аҳамият бермаган эканмиз, энди эса уни хотира мулки сифатида асраш пайидамиз....Беғубор болаликнинг ажойиб онларида содир бўлганди ўша воқеа. Иттифоқо бизга қўшни бўлган полизчи деҳқон бобонинг кетмони йўқолиб қолди. Аёли уни бошқа ўрамда яшовчи бир деҳқон йигитнинг қўлида кўрганлигини айтиб келди. Чоли парво қилмади. Ёз чилласига келиб ўша кекса полизчининг даласида яна бир ўғирлик содир этилди. Ўсмирлардан бири унинг пайкалидан биттагина ҳандалак ўғирлабди ва бобонинг қўлига тушибди. Бу гал чол қутиргандан-қутирибди, оғзидан боди кириб, шоди чиқибди. Шунда ҳам ҳовурини босолмабди. Ўғри болакайни қулоғидан чўзганча отасининг олдига етаклабди. Пировардида бўлган воқеани бутун қишлоққа ёйиб, овоза қилибди. Ниҳоят, ҳовуридан тушиб уйига қайтса, кампири дашном қилибди:

- Кетмон ўғирланганида миқ этмадингиз. Ўнта ҳандалак сотгандаям пулига битта кетмон ололмайсиз. Шу арзимаган ҳандалак учун эса ўз қадрдон дўстингизни ҳам ҳақорат қилдингиза?

- Сен ноҳақсан, кампир, - дебди чол босиқлик билан - Кетмон ўғирлаган киши уни деҳқончиликка, билгинки мўл-кўллик йўлига ишлатади. Ҳандалак ўғриси эса бел оғритмай қорин тўйғазади, ўзганинг меҳнати ҳисобига яшайди.

Бобонинг айтганича бор: текинхўрлик - ёмон иллат. Баъзида ўйлаб қоласан киши; Ҳўш, моддий бойлик яратиш ҳисси қай тахлит ҳар бир онгли инсон ҳаётининг мазмуни ва мезонига айланиши мумкин?

Минг афсуски, шўролар замони ақидаси ва мафкураси одамлар онгига боқимандалик, «ўмарганинг ўзингники» кайфиятини жойладики, элда турфа номаъқулчиликларнинг уруғи урчиди. Одамлар жамиятга беришдан кўра олишни кўпроқ ўйлайдиган бўлишди. Ҳатто, фан-техника ютуқлари ҳам жамият ичидаги бузилишларга хизмат қилдирилди. Энг ачинарлиси, жамиятнинг баъзи аъзолари бойиш ва фаровон турмуш кечиришнинг ягона шарти ва чораси ҳалол, фидойи меҳнат эканлигини унутиб қўйишди.

Шўролар даврида ўйларимиз, шаҳру қишлоқларимиз, борингки туриш-турмушимиз қўримсизгина аҳволда эди. Бундай ўйлаб қаралса, ҳеч ким ўз имкониятидан ортиғини уддалай олмайди. Шундай бўлгач фаровон турмушга, обод шаҳру қишлоқлар, уйжой ва иншоотларга ёлчимаганимиз боисини авваламбор биздаги жамиятни алдаб кун кўришга бўлган мойилликлар замиридан излаган маъқул кўринади. Ҳозирчи, Она диёримиз ободлиги, орасталигидан кўзингтина эмас, дилинг ҳам яйрайди. Буларнинг бари Истиқлол даврида рўй бераяпти. Меҳнат ҳаётий эҳтиёжга айланмаган жойда бу каби гўзалликнинг яралиши амри маҳол. Энг муҳими, эндиликда гўзалликни бировларнинг буйруғи, тазъйиқи билан эмас, балки юрак амри, ўз хоҳиш-иродамизга кўра яратяпмиз. Тобора кўп кишилар ўз бахти-иқболини ҳалол ва фойдали меҳнат туфайли топа олишларига ишонч ҳосил қилишмоқда. Яна ҳам ибратлиси, одамлар дилида барча қинғирликларга нисбатан тоқатсизлик туйғуси уйғонмоқда. Жамиятда ҳуқуқий уйғониш жараёни бошлангани айни муддао бўлаяпти.

Таъкидлаш зарурки, мақоламиз бошида тилга олинган ўғирлик ҳолатлари ҳозир ҳам тез-тез такрорланаяпти, кишилар ўртасидаги муносабатларда ҳам турлича ва янгича ҳолатлар кўзга ташланаяпти. Баъзида бировларнинг ҳалол меҳнат билан бойигани бошқаларнинг кўзини ўйнатаяпти ва улар эришган мақомга ҳаром йўллар билан етишга интилганлар ҳам йўқ эмас. Моддий бойликлар ҳалол ва фидойи меҳнат эвазига яралиши нур устига аъло нур. Бироқ, эндиликда жамият қонунларига риоя қилган ҳолда ҳалол ишламоқнинг ўзи кифоя эмас. Ҳалол яшамоқ ҳам лозим. Масалан, сизни жамоада меҳнатсевар ходим сифатида танишар экан, бундай фаолликни маҳалла-қўйда, жамоат ишларида ҳам намоён этмоғингиз даркор. Ва яна бир мулоҳаза: катта-кичиклигидан қатъий назар ҳар бир қонунбузарлик туфайли халқимиз ва давлатимиз манфаатларига моддий ва маънавий зиён етади. Дейлик, велосипедингизни ўғирлашди. Сиз узоғингизни яқин қилувчи уловингиздан айрилдингиз. Оқибат, кунингиз йўлкира учун чўнтак кавлашга қолади. Ёки анча маблағ харжлаб, янги улов сотиб оласиз. Ўғри ҳам ўғирлик молни сотиб, унинг пулига бир неча муддат умргузаронлик қилади. Энг муҳими, текин бойлик орттириш мумкин экан-ку деган фикр кишиларни фойдали меҳнатдан узоқлаштиради. Бундай кимсалар эса ўзгалар ҳисобига яшашдан бўлак ҳеч нарсага ярамай қолишади. Жамият равнақи учун шунинг ўзи муайян тўсиқ эмасми?

Айни пайтда жамият ичидаги маънавий кемтикларни тугатиш учун ҳам сабот билан кураш олиб борилмоғи даркор. Жиноятчилик, қонунбузарликларни жиловлашда бунинг аҳамияти беқиёс катта. Ушбу масалалар хусусида ташвиш тортишимизнинг боиси бор. Кейинги пайтларда қонунларимизга риоя этиш масаласида кимнинг-кимлиги яққол намоён бўлаяпти. Шу аснода жиноятчиликнинг айрим турлари камайиб, айримлари кўпаймоқда. Айни пайтда боқимандалик ва текинхўрлик сингари иллатларнинг ҳамон яшаётгани ўғирлик, безорилик, фирибгарликка йўл очмоқда.

Жиноят - ўз хатти-ҳаракатини жиловлай олмаслик оқибатида юзага келувчи жирканч қилмишдир. Бунинг оқибатида бир-икки ғаламис ўзининг шум ниятини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги ҳам аён. Бироқ, бундайларнинг пайини қирқишга қобилу қодир жамоатчилик нега жим? Улар томонидан бирон-бир жиноятчиликларнинг олди олинган ҳолатлар бармоқ билан санарли. Бу ўринда гап аҳоли ўртасида амалга оширилаётган биргина тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳақида кетаётгани йўқ. Гап ножўя хатти-ҳаракатни содир этаётган ёки қонунбузарликларни содир этишга мойиллиги бўлган шахсларга муносабат ҳақида. Аммо, шуниси ҳам аёнки, аксарият одамлар кўз ўнгида рўй бераётган хатти-ҳаракатни бартараф этишда қатнашиш у ёқда турсин, ҳатто кези келганда гувоҳликка ўтишдан ҳам истиҳола қиладилар.

Хўш, нақлда айтилганидек, элда чиндан ҳам бир болага етти маҳалла ота-оналик бурчини адо этяяптими? Айрим оқпадар фарзандларга етти маҳалла у ёқда турсин, ақалли етти киши ва ҳатто айрим ота-оналарнинг ўзлари ҳам мураббийлик бурчини уддалай олмаётирлар. Айрим ҳолларни инобатга олмаса, жамоатчилик томонидан чаккига дакки бериш, қинғирликка қўл ураётганларни огоҳлантириш каби тадбирлар ҳамма маҳаллаларимизда ҳам бирдек изчил эмас. Зеро Президентимиз таъбири билан айтганда, маҳаллани обод ва ораста сақлаш, гулзорларга буркашнинг ўзи кифоя эмас. Муддао бу масканда ҳар томонлама гўзал ва ибратли маънавий ахлоқий муҳитни ҳам яратишдан иборат.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик ҳар биримизнинг юрагимиздан, уйимиз ва маҳалламиздан бошланади. Содир этилган ҳар бир қонунбузарлик эса пировардида турмушимизга муайян даражада раҳна солади. Шунинг учун ҳам юз берадиган ҳар бир жиноий хатти-ҳаракат, гарчи у бизга дахли бўлмаган тарзда содир этилса-да, ҳаётимизга маълум даражада салбий таъсирини ўтказади. Бу мантиқий ҳолат ўз тинчи ва ҳаловатини ўйлаган киши ўзгаларнинг осуда ҳаёти учун ҳам масъул эканлигидан далолат беради, бунинг учун жон қуйдирмоғи, фидойилик намуналарини намойиш этмоғи лозимлигини тақозо этади.

Олам турфа

МУШУКЛАРГА СОЛИҚ СОЛИНДИ

Великие Луки шаҳрида хонадондаги ҳар бир мушук ёки ит учун ҳар ойда унга кўп бўлмаган миқдордаги солиқларни тўлайдиган бўлдилар. Бундай таклиф муҳокама қилиш учун Великие Луки шаҳар Думасининг депутатларига ҳавола қилинган эди.

Уйнинг эгалари ҳар ойда битта мушук учун 15-20 рубл, битта ит учун 30-50 рубл миқдорида солиқ тўлаши керак бўлади. Ушбу жониворлардан тушган солиқ даромади шаҳар ветеринария шифохонасини моддий таъминлашга, шу жумладан шаҳардаги дайди ит ва мушукларни ушлашга сарфланади. Шаҳарликлар ушбу ташаббусга тушунган ҳолда ёндошдилар - деб ёзади "Псковская Лента новостей" газетаси.

ТЎЙГА ТОБУТДАГИ БОБОНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ

Янги Зелландиянинг кекса фуқароси ўзининг энг суюкли набираси Рейчелнинг никоҳ тўйига икки кун қолганда оламдан кўз юмди. Бироқ тўй қиладиган оила Рейчел ҳаётида рўй бераётган унутилмас воқеада вафот этган бобонинг қатнашишига қатъий қарор қилди ва бобони очиқ тобутда черковга, никоҳ маросимига олиб келишди.

Рейчелнинг бобоси солинган тобут залнинг охирида никоҳ маросими тугагунча турди.

Тўйдан кейин бобо дафн қилинди. Маълум бўлишича Рейчалдан ташқари бобонинг 12 та фарзандидан 52 нафар ўғил ва қиз набиралари ва 4 нафар чевараси бор экан.

Муҳсинжон АХМЕДОВ.

КИМЁВИЙ ХОМАШЁГА БОЙ

Амударё дельтасида ўсадиган қамишдан икки юз хил қимматли кимёвий хомашё олиш мумкин экан. Республикамиз ботаник олимлари шундай хулосага келишди.

Амударё қамиши емга қўшиб берилади ва ачитқи ҳамда қоғоз ишлаб чиқаришда жуда қулай хом ашё бўла олиши аллақачон аниқланган. Бу қамишдан кремний ё олма, лимон ва оксалат кислоталари олиш мумкин.Унинг попугида ошловчи моддалар, барглари А ва С витаминлари бор.

А.АЛИЕВ.

Муштарий гинаси

«МАЪРИФАТЧИ» СТАДИОНСИЗ ҚОЛАДИМИ?

Маҳалламиз ҳудудида мактабнинг спорт майдончаси бўлиб, бу майдонча маҳалламиз ёшлари учун жуда қулай ерда жойлашган эди. 50 йилдан буён болажонлар учун спорт майдончаси бўлиб келаётган жойни ҳозирги кунда мутасадди раҳбарлар аҳолига уй-жой қуриш учун бўлиб бердилар.Ҳозирда бу ерда қурилиш авжида. Биз бу майдончани қолдириш тўғрисида юқори ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик, аммо ҳеч қандай натижа чиқмади. Наҳотки болаларимиз энди кўча чангитиб юришса?!

Маҳалла фуқаролари номидан: ДАВЛЕТОВА, М.АВЕЗОВА, В.МАДАМИНОВА, М.БОЛТАЕВА, Д.ОЛЛАМОВА, М.КАРИМОВ, Д.ЖУМАНИЁЗОВА.
Хоразм вилояти Урганч шаҳри «Маърифатчи» маҳалласи.

Ҳурматли муштарийлар! Болаларингизнинг севимли майдончасидан маҳрум этишгани яхши бўлмабди. Аммо бу жойни бўлиб берган мутасаддилар болажонлар учун янги ўйингоҳ қуриб беришни мўлжаллашиб, сизларга «сюрприз» қилмоқчидир. Ёки ҳар ҳолда биз буни улардан сўраб биламиз.

Жиноятга жазо муқаррар

Ёлғизлик - оғир юк, кулфат. Хуррам ота турмуш ўртоғи вафот этгандан сўнг буни янада тўла ҳис этди. Тўғри, ёлғиз қизи Маҳкамтош унинг кўнглига қаради, борини куйдириб, пишириб оғзига тутди, уст-бошига гард юқтирмади. Афсуски, ёш хотин бойлик учун унинг бошига етди.

Найча қулф осиғли дарвоза...

Қиз бола киши бандаси. Маҳкамтош турмушга чиққандан кейин ота тўрт девор ичида қисилди, кунлари ғам-ғусса ичида ўтадиган бўлди. Ногиронлик устига кўзи ожизлиги унга янада панд берди. Бандаи ожиз ҳар томонга қараб талпинди, баъзан аламини ичкиликдан олди. Қариндошуруғ, қўни-қўшнилар аҳён-аҳёнда бўлса ҳам хабар олиб туришди. Лекин...

Отанинг кўнглини дилдан ҳис этадиган, унга қайишадиган, йиқилганда суяйдиган, дунёнинг икир-чикирларини бошидан кечирган ёши ўтганроқ аёл ҳа деганда топилавермади. Роппа-роса 12 йил ана шундай ёлғизликда ўтди.

Кимлардир ўртага тушиб Яккабоғ туманида туғилиб ўсган, турмуш ўртоғи вафот этган Тўхтахонни Хуррам бобога муносиб деб топишди. Бировлар: "Хотингина Хуррам бободан йигирма ёш кичик экан, унга бўлмас", дейишса, яна аллакимлар: "Ўни ундоқ, буни бундоқ, деяверсак отанинг ҳоли кун-сайин оғирлашаверади-да. Бунинг устига Тўхтахон рози, ўзи оқ ювиб, оқ тарайман деб турибди" деган фикрни билдиришади. Бировнинг ичидагини, муддаосини билиш мушкул. Хотин бўлмишнинг асл мақсади нима эканлигини олдиндан ким ҳам айта оларди дейсиз?

Дастлабки кунлар, ойлар Тўхтахон ўзини бобога ғамхўр, рўзғорни кам-кўстини билдирмайдиган эпчил хотиндек кўрсата бошлади. Бу орада Маҳкамтошнинг рўзғори бузилди ва у отаси ҳузурига қайтиб келди. Ҳамма гап ана шундан бошланди. Тўхтахон қарасаки, ҳовли-жой Маҳкамтошга қолгудек. Йўқ, у қонуний никоҳдан ўтмаган бўлса ҳам ҳовли-жойдан умидвор эди. Аммо, бу ҳақда гап очиладиган бўлса чоли тушмагур: "Маҳкамтош менинг якка-ю ягонам, ана шу ҳовлидан бўлак унга қолдирадиган арзигулик бойлигим бўлмаса" дейди. Бу гап Тўхтахоннинг суяк-суягидан ўтиб кетади.

Бу орда Тўхтахоннинг ташвиш-ўғамлари бироз енгиллашадиган бўлди. Маҳкамтош бахти очилаб яна турмушга чиқди. "Худога шукр, ҳовли-жой ўзимга қолади" деб енгил нафас олди Тўхтахон.

Маҳкамтош отасидан тез-тез хабар олиб турар, топган-тутганини отаси билан баҳам кўрарди. Ҳар гал келганда гап айланиб-айланиб ҳовли-жойга бориб тақалар ва чол кўзи тириклигида уни қизининг номига ўтказиб бериши лозимлигини таъкидларди. Ана шунда хотини ҳам тинч турмас, қизининг бошида эри борлиги, ҳовли-жой ўзига тегишли эканини айтиб хархаша қиларди. Кейинги кунларда бу масала деярли ҳар кунги тортишув уруш-жанжалга сабаб бўла бошлади. Чол сира ўз фикридан қайтмас, жанжал авж олгач Хуррам бобо кўчага чиқиб аламини шаробдан оларди.

Тўхтахон ҳовли-жойга эгалик қилиш учун ҳамма чорани кўрди, бисотидаги барча устамонликни ишга солди. Лекин чол тушмагур сира айтганидан қайтмади.

2003 йилнинг 4 январи. Хуррам чол уйга яна шира кайф ҳолда қайтди. Тўхтахон буни сабаб қилиб жанжал чиқарди. Тоқати-тоқ бўлган чол қўлидаги таёқни кўтариб хотини томон хезланди. Ҳе, кучга тўла бақувват хотин олдида қария не ҳам қиларди. Бир итарганда чол икки думалаб тушди. Бошига тушган кетма-кет таёқ зарбидан кейин эса ҳаёт билан видолашди.

Тўхтахон бироз гангиб қолди. Лекин ўзини тезда қўлга олиб, жиноятнинг изини ёпишнинг турли режаларини тузди.

"Қўшниси Азамат Қобилов бир неча бор судланган, яқиндагина қамоқдан келган. У кечаси укаси Ойбек билан қўлида пичоғу арматура бўлагини кўтариб кириб келди. 50 минг сўм пул беришини талаб қилиб, сочи билан бўғиб уни ўлар ҳолатга келтиради. Шунда чол уйғониб, шовқин эшитилаётган уй сари югуради. Улардан бири бобонинг бошига арматура билан туширади, у чалқанчасига йиқилиб жон беради. Қарабсизки ака-укалар турмага йўл олишади".

Яна бир режа: "Чол ичиб келиб ўзини бошқара олмай маст ҳолатда йиқилади, шунда боши печкага қаттиқ урилади, оқибатда шикастланиб, анча қон йўқотиши боис вафот этади".

Натижа Тўхтахон истаганча бўлмади. Тўғри, у рўкач қилган сабаблар турли хулосаларга, сарсон-саргардончиликларга сабаб бўлди. Бироқ гувоҳларнинг аниқ ва пухта кўргазмалари, ўтказилган асаб-руҳий, тиббий, биологик, криминал экспертизалар ҳақиқий аҳвол қандай содир этилганини, Хуррам Сувонов қандай вафот этганлигини очиқ-равшан кўрсатди.

Жиноятчи Тўхтахон Йўлдошева суд ҳукми билан йигирма йил озодликдан маҳрум этилди.

Орзу-ю-режалар амалга ошмади. Тўхтахон темир панжара орқасига йўл олди. Бемаврид ўлимга сабаб бўлган Шаҳрисабз шаҳри Турон кўчасидаги 5-уй дарвозасига найчали қулф осилиб эгасиз қолди.

Юқоридаги жиноят содир бўлмаслиги мумкин эдими? Ҳа, шубҳасиз. "Тенг-тенги билан" деганларидек, аввало ёш хотиннинг ўзидан анча катта киши билан турмуш қуришга рози бўлишдан асл мақсади нима эканлигини, улар турмуш қурган кезларда ўртада воситачи бўлган ҳаётда етарли тажриба орттирган кишилар англаши қийин эмас эди. Ғаразли мақсад асосида қурилган оилада тинч-тотувлик узоқ давом этмаслиги ўз-ўзидан равшан ва шундай бўлди ҳам. Эр-хотин ўртасида кунда, кун оша бўлиб турадиган баҚир-чаҚир, уруш-жанжал кейинги пайтларда тобора авжига чиқди. Бундан барча қўни-қўшнилар хабардор эдилар. Афсуски, улар бунга беписандлик билан қараб енгилгина қўл силтиб қўйдилар, уларни инсофга чақирадиган бирор кимса топилмади.

Жуда ачинарлиси шундаки, шу оила ҳам шаҳардаги қайсидир маҳалла ичида. Ана шу маҳалланинг оқсоқоли, кайвонийлари, фаоллари қаерга қарадилар экан? Дафн маросими ҳам "шу касофатлардан тезроқ қутулайлик" қабилида ўтказилди шекилли. Ҳатто Хуррам бобонинг яккаю-ягона қизи ҳам хабарсиз қолди, етти-саккиз кун ўтгандан кейин дадасининг ҳолини сўраш учун келиб, кўзи қулф осилган дарвозага тушди-ю гангиб қолди.

О.ҚЎЗИЕВА,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди судяси.
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Обод маҳалла йилида ҳар бир маҳалла фуқаролари ўз маҳалласида янгиликлар яратиб, маҳаллаларини обод қилишга киришганлар.

МАҲАЛЛАГА ЯНГИ НОМ

Асака туманидаги Унгут қишлоғига қарашли бир маҳаллага ҳам янги ном берилди. Шу пайтгача (қарийб бир аср давомида) бу маҳалла ҳазрати инсон шаънини таҳқирловчи ном билан юритиб келинган. Обод маҳалла йили муносабати ва бу йилга рамзий қиёс билан маҳаллага «Гулобод» номи берилди ва зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Ўктам ЙЎЛДОШЕВ.

● Орамиздаги одамлар

КАМОЛХЎЖА ГУЛЧИ

Булоқбоши ҳам гуллар маскани. Мустақиллик йилларида у янада гуллабяшнади. Тошкечик кўчасининг 2-уйига қадам ранжида қилсангиз чеҳрасидан нур ёғилиб турган, 64-баҳорни қаршилаган гулчи Камолхўжа Абдулаҳатов билан учрашасиз.

Хонадон соҳиби 37 йилдан ортиқ ёш авлод тарбияси билан шуғулланган, тажрибали муаллим. Ҳозирги кунда турмуш ўртоғи Тожибархон опа билан қарилик гаштини суряпти, 5 фарзандига бошқош. У 6-ўрта мактабда ишлаган пайтларида ҳам гулчилик тўгараги ташкил қилиб кўпчилик ёшларга гул парваришлашнинг нозик сирларини ўргатган, гулчиликка ҳавас уйғотган, минглаб шогирдлар тайёрлаган. Камолхўжа ака эрта баҳордаёқ гул уруғларини сепиб, кўчатларни тайёрлаб қўяди. Дастлаб маҳалласини, кейин бутун туманни гул кўчатлари билан беминнат таъминлайди, десак муболаға қилмаймиз.

- Менда ёшлигимданоқ гулчиликка ҳавасни раҳматли отам Абдулахат Мирзақулов уйғотган. Уйимизда ҳатто қиш фаслида ҳам тувакларда турли-туман гуллар чамандай очилиб ётарди. Барча қизиқувчилар келиб гулларимизни томоша қиларди.Отам тўплаган гуллардан онам гул қиём тайёрлаб, меҳмонларни сийлаганлари ҳамон эсимда.

Раъногон ЖУМАНИЁЗОВА.

● «Mahalla»нинг тил сабоғи

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА... БИР СЎЗ АЙТИНГ-ДА!

ёки, биз нега шундай деймизу, унга амал қилмаймиз?

Хўш, нега биз нутқимизда «Бир сўз билан айтганда» деб қўямизда, сўнг бир сўз ўрнида уч, тўрт, ўн, ҳатто ундан-да кўп сўзларни қаторлаштириб ташлаймиз?

Нотиқнинг сўзига эътибор қилинг:

-Бир сўз билан айтганда - қишлоқ хўжалигимиз ривожланди, фан ва техникамиз катта ютуқларга эришди, маънавий ҳаётимизда...

Энди санаб кўринг: «Бир сўз билан айтганда» деб, нотиғимиз нақ.. ўн битта сўз ишлатаяпти!

Ёки, нима демоқчи бўлаётганини бир сўз билан айта олмайдими? Ёки, бу оддий саводсизликми?

Агар ўша ибора тўғри ишлатилса, мана бундай дейиш лозим (Бу - бошқа бир нутқ, бошқа бир мисол, албатта):

-Бизнинг она Ватанимизда ҳамма нарса бор. Юртимиз бир сўз билан айтганда - ЖАННАТ!

Хўш, «Бир сўз билан айтганда...» ибораси бошқа тилларда тўғри ишлатиладими? Ёки, бизга ўхшаб...

Масалан русчада:- Одним словом - согласен! Эътибор қилинг, у «Я польностю согласен!» демаяпти, чунки бу ерда учта сўз бўлиб кетади:

Шу ўринда ўйлаб қоламан: балки бу ибора бизнинг тилимизга сунъий равишда кириб келгандир? Чеккадан, масалан, худди ўша рус тилидан кириб келгандир?

Бизда балки бошқачароқ ифода бордир...Мисол учун дейлик «Қисқа қилиб айтганда» ибораси...

Аммо, бу ерда ҳам сал эҳтиёт бўлиш керакми...

Биз уни ишлатганимизда ҳам ваъдамизда туришимиз, яъни, нутқимизни қисқа, лўнда қилиб тугатишимиз керак.

Иброҳим БЕК.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Хумсон

● Тарихимиз фидойилари

Акром Асқаровнинг ТОПИЛМАЛАРИ

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод қилиб, фаолият кўрсатган кўплаб маърифатпарвар зиёлиларимиз Туркистон ўлкасининг ўтмишдаги бой тарихи, турмуши, урф-одатлари, касб-ҳунари, маданияти ва санъатига қизиқиш билан қараб, бу соҳада нодир қўлёзмалар, осори отиқалар тўплаб, уларни ўрганиб, тадқиқ этдилар, турли асарлар ёзиб қолдирдилар.

Туркистонлик маҳаллий ўлкашуносларнинг ишлари, коллекциялари ўз даврида халқаро миқёсда ҳам эътироф этилганлигини қуйидаги далиллар ҳам кўрсатиб турибди. Самарқандлик машҳур ўлкашунос, қадимий буюмлар ишқибози ва тўпловчиси Мирза Абдулло Бухорий Париж кўргазмасининг олтин ва кумуш, Туркистон ўлка кўргазмаларининг 2 та олтин ва 4 та кумуш, 2 та бронза нишонлари, диплом ва фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган. Хаттот ва таржимон Мирза Бароий Қосимов эса Туркистон ҳамда Париж кўргазмаларининг олтин ва кумуш нишонларини олган.

Туркистон тарихи, маданияти ва санъатини яқиндан ўрганиб, ривожлантиришда шоир ва педагог Саид Аҳмад Ажзий Самарқандий, ўлкашунос олим ва таржимон Мирза Абдураҳмон, астраном ва математик Умархўжа Мир Абу Саид ўғли, ўз даврида ер курраси-нинг шакли - глобус ясаган географ ва астраном Ҳожи Юсуф Мирфаёзов, ўлкашунос олим Ёқубжон Исмоилжонов, тилшунос, шоир, математик ва элшунос, ўз даврида 92 ўзбек уруғи шажарасини тузган Бобоёр Мирзақулов кабиларнинг алоҳида хизматлари бор.

Ана шундай фидойи зиёлилар қаторида тошкентлик Акром Асқаровнинг ҳам номи бор.

У ўзбеклар ичидан етишиб чиққан биринчи қадимшунос, элшунос олим эди. Акром Асқаров Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Ракат маҳалласидан бўлиб, отаболари асли савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб келганлар. Акром Асқаров ёшлигидан юрт тарихи, Тошкент шаҳри ва унинг атрофларидаги тарихий жойлар, қадимий ёдгорликларни ўрганишга қизиқади ва XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, Тўйтепа, Чиноз, Наманган, Қўқон шаҳарлари, қадимий Аксикат ва Шоҳруҳия шаҳарлари харобаларида бўлиб, бу ердаги вайрон бўлган қалъалар, саройлар, биноларни ўрганиб, археологик қазиш ишларини олиб борди. Натижада қадимшунос олим эски бинолар остида қолиб кетган ва турли даврларда зарб этилган тангаларнинг ўзидан ўн беш мингдан ортиғини тўплади. Шулардан 17 таси олтин, 1370 таси кумуш, 13274 таси мис тангалардир. Булардан ташқари сопол ва шиша буюмлар, ҳайкалчалар, ёзувли қайроқ тошлар, аёлларнинг зеб-зийнат тақинчоқлари, мунчоқлар, ойна, мис ва кумуш қумғонлар, муҳрлар ва бошқа ўлкамиз тарихини ўрганиш учун қимматбаҳо ашёлар тўплади. Олим ўз ўлкасининг бой маданий меросини ўрганиб, машаққатли изланишлари вақтида тўплаган тарихий буюмлар осори-атиқаларнинг бир қисмини 1884 йили Тошкент музейига топширди.

Ўлкашунос тўплаган топилмаларини 1870, 1878, 1886 йилларда Тошкентда ташкил этилган Туркистон ўлка қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик кўргазмасида кенг намойиш этиб, кўпчиликнинг назарига тушди ва у кўргазманинг олтин, кумуш ва бронза нишонлари ҳамда диплом, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо буюмлари билан тақдирланди. Акром Асқаров сўнги марта 1890 йили ташкил этилган Тошкент кўргазмасида қатнашди.

Ушбу тарихий суратда Акром Асқаров ўзи ихтиро қилган ва кумуш нишон билан тақдирланган ипак ўрайдиган дастгоҳ-мосламаси билан 1886 йилги Тошкент кўргазмасида қатнашган пайти акс эттирилган.

Акром Асқаров 1884 йили Тошкентга келган Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовский билан танишади ва у билан Туркистон ўлкаси бўйлаб, қадимий жойларда археологик қазиш ишларига кўмаклашади. Ўша даврда биринчи ўзбек қадимшунос олими Акром Асқаровнинг археология соҳасида қўлга киритган ютуқларига рус қадимшунос олимлари қойил бўлган эдилар. Ўрта Осиёликлар орасида биринчи бўлиб, Россиядаги йирик илмий ташкилот мукофотини олишга муяссар бўлди. Айни бир вақтда Париж археология жамияти ҳам юртдошимиз Акром Асқаровни ўзининг фахрий аъзолилига қабул қилди. Олимнинг хизматлари ўша вақтда ташкил этилган Туркистон, Россия, Франция кўргазмаларида бир неча бор олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан юксак тақдирланган эди.

Акром Асқаров - қишлоқ хўжалигидан ҳам яхши хабардор бўлган, у биринчи бўлиб, Америка пахта навини экиб, яхшигина ҳосил олган деҳқон ҳам эди. Ипакчилик унинг иккинчи касби бўлиб, ипак қуртининг озуқаси бўлган тут баргини яхши парваришлаш усулларини билган, ипак ўраш, шойи тўқиш ва у билан савдо қилишни бошқаларга ҳам ўргатган инсон эди. Лекин Акром Асқаровнинг асосий касби ўтмиш маданий меросини ўрганиш, қадимий осари атиқаларни тўплаб, келажак авлодларимизга қолдиришдан иборат эди. Олим фарзанди Акбархонга ҳам ўз касбини ўргатди ва у ҳам бир оз вақт қадимий ёдгорлик буюмларини тўплаш билан шуғулланиб келди. Афсуски, бу инсон умр бўйи тўплаган бой маданий меросимиз намуналари бўлган археологик топилмалар буюмлар ўша мустамлака даврида етарлича қадрланмади. Веселовский, Маев, Малицкий, Ликошин, Остроумов сингари ўлкашуносларнинг Акром Асқаровдан кўп нарсаларни сўраб, ўз даврида маънавий "озуқа" олиш билан бирга, унинг қўлида тўпланган кўп йиллик машаққатли меҳнати маҳсули бўлган археологияга тегишли осори атиқаларини қўлга киритишга кўп уриниб кўрдилар. Фан учун Ватанимиз тарихини янги маълумотлар билан тўлдирувчи бу муҳим топилмаларнинг бир қисми чоризм амалдорлари, олимлари, савдогарлари томонидан талон-тарож қилинди. Акром Асқаров тўплаган осори атиқалардан Петербургдаги юқори мартабали амалдорлар ҳам манфаатдор эдилар. Ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга қизиққан бу кимсаларнинг иши 1891 йилнинг 15 октябрида Акром Асқаров вафотидан кейин айниқса авжига чиқди. Шу муносабат билан Рус император Археология коммисияси 1892 йилнинг 30 майида Туркистон Генерал губернатори маҳкамасига шошилинч хат жўнатиб, унда Акром Асқаровга тегишли археологик буюмларни Петербург император Археологик жамияти ихтиёрига жўнатишни сўрайди. Шундай қилиб Акром Асқаровга тегишли бўлган ўн тўрт минг олтин, кумуш ва мис тангалар, икки юздан ортиқ турли осориатиқалар, бир қанча қўлёзма асарлар, нодир китоблар Петербургга олиб кетилди.

Юртдошимиз биринчи ўзбек қадимшунос олими Акром Асқаровнинг илмий фаолияти маҳсули, тарихимизнинг бир қисми бўлган тарихий буюмлар шу кунгача Россия эрмитажи залларини безаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек, "Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавий дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади...»

Буни унутмаслигимиз зарур.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳиссиётга тегишли масалаларда кўнгилсиз тасодифлар бўлиши мумкин. Бироқ бир-бирига яхшиликни раво кўриш орқали бунинг олдини олиш мумкин.

СИГИР(22.0420.05)

Бу кунларда ўз режаларингизни амалга оширишда оиладагилар кўмагига таяниб иш юритсангиз, янада улкан самаралар бериши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Бирон каттароқ нарса-буюм ёки кўчмас мулк сотаётганингизга имкони борича қонун доирасида ҳаракат қилишга интилинг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Бу ҳафтада ўз режаларингизни амалга ошира туриб, дадил кишилар билан тушунмовчилик, қарама-қаршиликлар келиб чиқиши, қатъий талабларга дуч келишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта кунларида руҳий жиҳатдан бирмунча ноқулайликларга дуч келишингиз эҳтимоли бор. Бироқ якшанбагача буларнинг барчаси асоратсиз йўқолади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Кутилмаган ёндашиш орқали қийин масалаларни ҳам ҳал этиш мумкин. Унутманг, омма учун қабул қилинган қоидаларга амал қилмаслик ўта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳафта хизмат фаолиятингизда сизга кутилмаган вазиятларни вақта этаётир. Тақдир чархпалагидан бошим айланиб қолмасин, десангиз уддабуронлик ва ширин-суханлик қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Борди-ю, атрофдагилардан ўз оилавий муносабатларингизга алоқадор қандайдир гап эшитсангиз, бундан шошилинч хулосалар чиқара кўрманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Қандай қилиб бўлмасин, адолатсизликка кескин жавоб қайтаришдан ўзингизни тийишга ҳаракат қилинг. Бўлиш эҳтимоли бор ишларга парво қилманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Агар атрофдаги яқинлар ёки қариндошларингиз сизни ўзларининг моддий муаммоларини ҳал этишда кўмакка чорласа, бунга рад жавобини беринг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Эҳтиёткор ва диққатлироқ бўлинг. Сабаби, ишдаги ҳамкорлар ёки улфатларингиз сизни кутилмаган вазиятларга тушириб қўйиши мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)

Ҳафтада бўлаётган кўплаб учрашувлар сизнинг руҳий осойишталигингизга раҳна солиши мумкин. Кечиктириб бўлмас сафарлар орқасидан ортиқча харажат қилиш эҳтимоли бор.

БАҲРА ТОПСИН ДИЛ

Туз босдими ҳосил учун ерга йўл бермас,
Дангасанинг иши маржон терга йўл бермас,
Аҳлоқи паст, нодон аёл эрга йўл бермас,
Ғафлатдадир ким устози, пирга йўл бермас,
Баттол йўлбарс йўлга ётиб, шерга йўл бермас.

Шукроналар мевасидир бу нурли ҳаёт,
Топганимиз баракаси илоҳий имдод.
Умримизга иймон, виждон бўлгуси қанот,
Ғафлатдадир ким устози, пирга йўл бермас,
Баттол йўлбарс йўлга ётиб, шерга йўл бермас.

Эришганинг ўзингники, ниятга лойиқ,
Ҳурмат топсанг жавоб айла ҳурматга лойиқ,
Хирмондаги ҳосил, эҳсон, меҳнатга лойиқ,
Ғафлатдадир ким устози, пирга йўл бермас,
Баттол йўлбарс йўлга ётиб, шерга йўл бермас.

Болишга кўп қўйма бошинг, бўлмагил ғофил,
Тарозуга солиб борар холиқи одил.
Нуриддин сўз дурларин соч баҳра топсин дил,
Ғафлатдадир ким устози, пирга йўл бермас,
Баттол йўлбарс йўлга ётиб, шерга йўл бермас.

Нуриддин АМИНЖОН бугунгача «Дилхирож», «Айла табассум» номли шеърий тўпламлари билан ўз ўқувчилари қалбига йўл топган. Унинг «Маҳалла» шеъри эса қўшиқ бўлиб, маҳалладошлар эътиборини қозонди.

Нуриддин АМИНЖОН

УЧИНЧИ ОДАМ

Худоим яратган ёрингни бекам,
Софдиллик, ғамхўрлик унда мужассам.
Билагон, турадилар аҳдида маҳкам,
Унданку кўнглинг тўқ, шундай бўлса ҳам,
Умрингни эгоплар учинчи одам.

Интилиб, энтикиб етасан ёрга,
Ортиқ не керакдур висолга зорга.
Тўймасдан турганда дийданг руҳсорга,
Ёдингга келади ўша шум қадам,
Умрингни эгоплар учинчи одам.

Рашк деган балода кимлар ёнмаган,
Кимлар яшамоқдан рашк, деб тонмаган.
Ўртамоқ майига рашк ҳеч қонмаган,
Бахтингнинг қанотин қуйдиргувчи шам,
Умрингни эгоплар учинчи одам.

Фарҳоднинг бағрига ниш бўлиб ботган,
Зуҳро, дея Тоҳирни дарёга отган,
Қабиҳ ниятларда дўстини сотган.
Ғаламис мақсадли, нопок, муттаҳам,
Умрингни эгоплар учинчи одам.

Нуриддин АМИНЖОН

ДАВРОН ТИЛА

Таъна қилма, кимки ғофил Оллоҳдан иймон тила,
Қодир эгам ғазнасидан кўнглига эҳсон тила.
Жумла муслим топганидек беҳалал имкон тила,
Сақлагувчи иймонини покиза виждон тила,
Тойса йўлдан раҳнамолик қилгувчи инсон тила.

Дилга тушса нури иймон саждага боргай бошинг,
Тавба айтиб эргашурлар дўсти мўмин сирдошинг.
Ҳақ таолло қўшса умринг қутлагайлар юз ёшинг,
Ким қўқилса бўл суянчиқ беҳуда керма қошинг,
Луқма нони бўлмаганга қулчаи ширмон тила.

Қадриятлар рослади қад бу муқаддас ўлкада,
Шаҳру қишлоқ жамол очар, тенг, басма-бас, ўлкада.
Ўзбекистон яша омон, гуллар ҳавас ўлкада,
Ёз Нуриддин, истиқлолинг ёр, ҳамнафас ўлкада,
Мазмунида она юртга барқарор даврон тила.

«ФОРМАДА КИРИНГ!»

Шингил интермедия

Маҳалла оқсоқолининг қабулхонаси. Котиба қиз машинкада чақиллатиб ишлаяпти. Бу ерга педагог-тарбияни Латофатхон кириб келади.

Латофатхон: - Қаранг Улфатхон! Кўйлагим ўзимга ўтиришганми? Сизларнинг идорангиз формасига тўғри келадими?

Улфатхон: (машинада ёзишни тўхтатиб, ёнидаги столга бошини қўйиб, тўхтовсиз кулади. Ўрнидан туриб кулади). Вой жуда қизиқ экансиз-ку! (яна кулади).

Латофатхон: - Ҳа, нима бўлди, нега сиз мени майна қиласиз! Мен бу ерда янги одамман. Нега куласиз? Мен сиз куладиган иш қилдимми, ёки ножўя гапирдимми?

Улфатхон: (Ўзини кулгидан тўхтатолмайди) - Латофатхон опа-ей, нега мен сизни майна қилар эканман. (Яна кулади. Латофатхон ҳайрон, ворган сари ўзини ноқулай сезади. Улфатхон кулгидан ўзини тўхтатиб олади). Оқсоқолимизнинг формада киринг деганлари - менинг хонамга киргинингизда кўлингизда ён дафтарча ва авторучка бўлсин - деганлари бўлади. Сиз бўлсангиз... (яна кулади).

Латофатхон: - Қизиқ! Оқсоқол деган сал тушунтириб гапирса бўлмайдими?!

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист.

КРОССВОРД

Тузувчи А. АНВАРОВ.

Хусан СОДИКОВ чизган

БЎЙИГА:
1. Тоғ жинси. 2. Эркаклар кийими. 3. Дон тури. 4. Юз йил. 5. Падар. 6. Ҳашорат. 7. Биринчи. 8. Сендан катта. 9. Фан. 14. Азиз неъмат. 16. ., ва тун. 17. Ду..., се..., чолғу. 18. Табиат зийнати. 21. Сой, соҳил, ирмоқ. 23. Ром. 25. Инсон аъзоси. 26. Сигарет русуми. 28. Вестон, импра теа. 29. Метал ип. 31. Сув ва тупроқ қоришмаси. 32. Узун дарё. 33. Тошкент шаҳридаги қадимий марказий дўкон. 34. Шодлик хитоби. 35. Сендан кичик. 36. Юз русча. 42. Қил, соч. 39. Жонивор. 44. Жигардан бўлган.

ЭНИГА:
2. Намоз вақти. 5.Муқаддас зот. 7. Иффат, номус. 10. Қушда йўқ. 11. Дурадгор меҳнати маҳсули. 12. Паралиж. 13. Уй қисми. 14 «...борки соя бор» 15. Шахматдаги ҳолат. 19. Қоронғулик. 20. У инсоннинг ўлмас аъзоси. 21. «Туз...» 22. Ёлғон. 24. Юз қисми. 26. Нор. 27. Усиз кал бўласан. 29. Рақам. 30. Ю.Усмонова қўшиғи «Бу..лар». 36. Пул бирлиги. 37. Буви. 38. ... дан юзи қизарди.39. Ёзда соғинасан. 40. Улкан жонивор. 41. Араб ҳарфи. 43. Наво, оҳанг. 45. Яқин қариндош.

ЭЪЛОНЛАР! ЭЪЛОНЛАР! ЭЪЛОНЛАР! ЭЪЛОНЛАР!

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 310-мактаб томонидан 1996 йил Раҳимов Рустамжон Ҳасанович номига берилган UZ А 036407 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 247-мактаб томонидан 1976 йил Будан-цева Рафия Ҳайдаровна номига берилган Б 812740 рақамли 8 синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги 192-мактаб томонидан Акромова Гулчеҳра Ҳайдаровна номига 1985 йил 28 июлда берилган Б 734410 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный диплом №283932, выданный ПТУ-10 г.Ташкента 10 марта 1987 года (регистр.№1696) на имя Шаймуллина Винера Минтагировна считать не действительным.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5198 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-564 Топширилди—21.00